



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

7 ЖИЛД, 2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
ТОМ 7, НОМЕР 2

LOOK TO THE PAST  
VOLUME 7, ISSUE 2



ТОШКЕНТ-2024

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети

**Аминова Азиза Марковна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Навоий давлат педагогика институти

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент ирригация ва кишлоқ  
хужалиғини механизациялаш  
муҳандислари институти  
Миллий тадқиқот университети

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайжон давлат  
иқтисодиёт университети

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Қариши давлат университети

**Махкамova Надира Рахмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Санкт-Петербург Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Санпова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Ўзбекистон Миллий университети

**Худайкулов Тулқин Дўстбобоевич**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Шаҳрисабз далам педагогика институти

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети


Page Maker | Верстка | Са, ифаловчи: @tadqiqotdesign

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


<b>1. Чу Бей Бей</b> ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДА МАДАНИЙ-ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ЎРНИ.....	4
<b>2. Yoo In Young</b> ILK O'RTA ASRLARDA MARKAZIY OSIYO XALQLARINING SILLA QIROLLIGI BILAN IQTISODIY VA MADANIY ALOQALARI.....	9
<b>3. Umurzok Alibekov</b> USTRUSHONA DENQONCHILIK MADANIYATI TADRIJIY TARAQQIYOTIDA ARXAİK DENQONCHILIK AN'ANALARINING O'RNI.....	14
<b>4. Нилуфар Джураева</b> ЖАДИДЧИЛИК: МИЛЛИЙ МАОРИФ ТИЗИМИГА АЁЛЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ МАСАЛАСИ.....	23
<b>5. Обиджан Мадаминов</b> ДАВЛАТНИНГ ХАЛҚАРО ИМИЖИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАРҒИБ ҚИЛИШ МАСАЛАСИ.....	31
<b>6. Моҳира Матназарова</b> ҚАДИМГИ ХОРАЗМ КЎЧМАНЧИ ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ ҲУДУДИЙ ЖОЙЛАШУВИ МАСАЛАЛАРИ.....	36
<b>7. Сапарбой Наврузов</b> АКАДЕМИК РАССОМ ДМИТРИЕВ КАВКАЗСКИЙНИНГ ХИВА ТААССУРОТЛАРИ.....	41
<b>8. Ismoil Nurmetov</b> XX ASRNING 20-30 YILLARIDA O'ZBEKISTONDA HUQUQ-TARTIBOT ORGANLARI FAOLIYATI (Xorazm viloyati misolida).....	50
<b>9. Севара Пулатова</b> МАДАНИЙ ОМИЛЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИ ХУСУСИДА.....	56
<b>10. Sardor Umarov</b> BIRLASHGAN GERMANIYA: IJTIMOIY-IQTISODIY MUAMMOLAR.....	62
<b>11. Баҳодир Эшов</b> ҚАДИМГИ СЎҒДНИНГ МИНТАҚАВИЙ МИГРАЦИЯ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ.....	69
<b>12. Одил Эргашев</b> ҚОПЧИҒОЙ УСТАХОНАСИ МУСТЪЕ ДАВРИ КОМПЛЕКСИНИНГ МАДАНИЙ-ДАВРИЙ ХОСЛИГИ ҲАҚИДА.....	76



**Севара Акмаловна Пулатова,**  
Альфраганус университети профессори,  
ЎзРФА хузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи  
масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи методик маркази

## МАДАНИЙ ОМИЛЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИ ХУСУСИДА

**For citation:** Sevara A. Pulatova. ON THE INFLUENCE OF CULTURAL FACTORS ON ECONOMIC DEVELOPMENT. Look to the past. 2024, vol. 7, issue 2, pp.56-61

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.10643347>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада маданият ва иқтисодиётнинг ўзаро боғлиқлиги, аниқроғи маданий омилларнинг иқтисодий ривожланишдаги аҳамияти бу соҳада амалга оширилган тадқиқотлар асосида ёритилган. Маданият глобализация шароитида миллатларнинг ўзига хослигини (идентиклигини) белгилаб бериши, эътиқод ва қадриятлар тизими таъсирида маданиятнинг афзаллик паттернлари шаклланиши, охир-оқибатда, маданият инсонларнинг иқтисодий хатти-ҳаракатларида ҳам намоён бўлиши келтирилган.

**Калит сўзлар:** маданият, иқтисод, ривожланиш, барқарорлик, маданий омиллар, иқтисодий ўсиш, инсон капитали.

---

**Севара Акмаловна Пулатова,**  
Профессор университета Альфраганус,  
научный сотрудник Координационно-методического  
центра по вопросам новейшей истории Узбекистана при АН РУз

## О ВЛИЯНИИ КУЛЬТУРНЫХ ФАКТОРОВ НА ЭКОНОМИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается вопрос взаимозависимости культуры и экономики, а точнее, значение культурных факторов в экономическом развитии общества. На основе исследований, проводимых в этой области, автор утверждает, что культура определяет уникальность (идентичность) наций в условиях глобализации, и на формирование предпочтений культуры влияют верования и система ценностей данного общества. В конечном итоге культура проявляется и в экономическом поведении людей, что является важным условием экономического развития.

**Ключевые слова:** культура, экономика, развитие, устойчивость, культурные факторы, экономический рост, человеческий капитал.

**Sevara A. Pulatova,**  
Professor at Alphaganus University,  
coordinating the methodological center  
on the issues of the Contemporary history of Uzbekistan  
at the Academy of Sciences of the RUz

## ON THE INFLUENCE OF CULTURAL FACTORS ON ECONOMIC DEVELOPMENT

### ABSTRACT

The article examines the issue of the interdependence of culture and economy, or more precisely, the importance of cultural factors in the economic development of society. Based on research conducted in this area, the author argues that culture determines the uniqueness (identity) of nations in the context of globalization, and the formation of cultural preferences is influenced by the beliefs and value system of a given society. Ultimately, culture manifests itself in the economic behavior of people, which is an important condition for economic development.

**Index Terms:** culture, economics, development, sustainability, cultural factors, economic growth, human capital.

### 1. Долзарблиги:

“Ўзбекистон-2030” стратегиясида халқимизнинг эркин ва фаровон, кудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодий шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш вазифалари белгилаб берилган[1]. Янгиликларни конституциявий-ҳуқуқий шароитларда мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини такомиллаштириш ва амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни янги босқичга олиб чиқишда[2]. Ўзбекистон иқтисодийнинг рақобатбардош ривожланиши учун ва уни таъминловчи шарт-шароитлар яратишда жамият маданияти ва маънавиятини юксалтириш алоҳида аҳамиятга эга.

Шунинг учун ҳам “Ўзбекистон-2030” стратегиясида маънавий тараққиётни таъминлаш ва маданият соҳасини янги босқичга олиб чиқиш бўйича ислохотлар борасида жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналарини кенг оммалаштириш, жамиятда китобхонликни, замонавий театр ва цирк санъатини, амалий санъат йўналишларини, миллий кинематографияни ривожлантириш, маданий меросни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва оммалаштириш билан боғлиқ фаолиятни янада такомиллаштириш, маданият ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини яхшилашга алоҳида урғу берилган. Бу борада белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши, сўзсиз, халқимизни маданият бойликларидан баҳраманд бўлишлари учун кенг йўл очиб, маданият соҳасининг ривожланишига хизмат қилади.

Умуман, сўнгги йилларда давлатимиз томонидан маданият соҳасига жиддий эътибор қаратилиб, бу узоқ йиллардан буён ижодкор зиёлиларимиз томонидан қутилган Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисидаги қонуннинг қабул қилинишидан ҳам намоён бўлди [3]. Айтиш лозимки, мустақиллигимизнинг илк йилларида ижодий уюшмалардан тортиб, Олий Кенгаш йиғилишлари минбарларида қизгин муҳокама қилиниб, кейинчалик кун тартибидан олиб ташланган бу масала, nihoyat, 2021 йилда мантиқий яқунини топди. (Ваҳоланки, маданият ҳақидаги қонун МДХ мамлакатларининг аксаридида 90-йилларнинг бошларидаёқ, яъни мустақилликка эришган йиллариёқ қабул қилинган эди.)

Маданият ривожини учун унинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши жуда муҳимдир. Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг Янги таҳрирдаги Конституциясида:

“Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланиши ҳақида ғамхўрлик қилади.” [4.]- деб белгилаб қўйилган.

Дарҳақиқат, маданиятнинг ривожланиши жамият ҳаётининг бошқа соҳаларидаги тараққиётни таъминлаб бериши ва аксинча, маданият инқирози бошқа соҳаларнинг таназзулига сабаб бўлиши муқаррардир.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Янги Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган тadbирлар самараси ҳам аввало маданият соҳасига, унинг бугунги кундаги ривожланиш даражасига боғлиқдир. Дарҳақиқат, маданият ва иқтисодиёт ўртасидаги ўзаро боғлиқликни юзаки қараганда англаш мураккаб бўлса-да, бу постулат илмий тадқиқотларда тўлиқ ўз тасдиғини топмоқда.

## **2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Мақолада кўтарилган муаммо, яъни маданият ва иқтисодиётнинг ўзаро боғлиқлиги, аниқроғи маданий омилларнинг иқтисодий ривожланишдаги аҳамияти тарихийлик, тизимлилик, синергетик каби ёндашувлар асосида таҳлил қилинган. Жаҳон тарихшунослигида уларни ўрганган олимларнинг айримларини номлари ва асарлари келтирилган.

Ф. Мамедовнинг инсон капиталини таҳлил этишда маданий ёндошувдан фойдаланишни афзалликларига бағишланган мақоласида [9.] қайд этишича, ҳозирги даврда бутун дунёдаги инсон капиталининг асосий қисми ривожланган мамлакатларда тўпланган бўлиб, бу ҳолат сўнгги ўн йилликларда бу ердаги инсон капиталига киритилган инвестицияларнинг кескин ўсиши билан изоҳланади. Муаллифнинг таъкидлашича, ушбу мамлакатлар тажрибаси ҳам инсон капиталининг шаклланиши ва ривожланиши аҳолининг маънавий маданияти ва турмуш сифатини оширишга йўналтирилган инвестицияларга бевосита боғлиқлигини кўрсатади.

К. К. Колиннинг ХХI асрда маданият ва хавфсизлик масалаларининг ўзаро боғлиқлигига бағишланган мақоласида [11.] таҳлиллар натижасида “Ижтимоий ривожланишнинг замонавий шароитида, дунё тез ўзгариб, янада динамик, ўзаро боғлиқ ва хавфли бўлиб бораётган бир пайтда, миллий ва глобал хавфсизликни таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда маданиятнинг роли биринчи ўринга чиқади.” – деган хулосага келган.

С.Горохов, С.А.Просеков, О.В. Шубароларнинг тадқиқотлари диний омилларнинг турли мамлакатлар иқтисодий кўрсаткичларига ижобий таъсирини таҳлил қилишга бағишланган. [5; 6; 7.] Жумладан, россиялик олим С.А. Просековнинг конфуцианликни иқтисодий юксалишдаги аҳамиятига бағишланган мақоласида Конфуцийнинг ўзини ўзи бошқариш ва тарбиялаш концепциясига асосан хоҳ давлат ёки оила бўлсин конфуцианлик, – янги индустриал давлатларнинг сиёсий фалсафасининг асосини ташкил этилиши қайд этилади.

Ҳозирги вақтда умумбашарий миқёсда маданий инқироз мавзуси дунё олимлари томонидан кенг муҳокама қилинаётган муаммо бўлиб, Г.Филиппованинг “Об энтропийных тенденциях современной культуры” [10.] мақоласида маданият инволюцияси (лат. involutio — қисқартириш, тугатиш, бузиш яъни, орқага тисланиш, орқага қайтиш маъносида) фатал (фатализм — лот. fatalis — тақдирга оид) — ҳамма воқеаларнинг азалдан белгилаб қўйилганлиги тўғрисидаги таълимот) жараён эмас. Давлат ва сиёсий ҳокимият маданиятни ривожлантириш, тартибга солиш ва бошқариш жараёнларига таъсир қилиш учун етарли воситаларга эга. Албатта, бу бошқарув ижодкорларни маданий кадриятлар, билим ва меъёрларнинг қатъий белгиланган намуналарини яратишга мажбурлаш маъносида эмас, балки ижодкорликни рағбатлантириш, маданий ёдгорликларини асраш ва тарғиб қилиш, маданият ютуқларидан ижтимоий асосли фойдаланиш шаклида амалга оширилиши назарда тутилади.

## **3. Тадқиқот натижалари:**

Маданият ва иқтисод бир қарашда, алоҳида ва бир-бирларидан нисбатан мустақил соҳалар бўлиб туюлса-да, уларнинг ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд.

Дарҳақиқат, маданий омиллар иқтисодиётнинг тараққиётида ёки инқирозга юз тутишида муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, урф-одатлар, анъаналар, эътиқодларни ўзида жамлаган маданият гуруҳларнинг ўзига хослигини (идентиклигини) белгилайди ва унинг аъзоларини яқдиллигига, бирлашувига хизмат қилади. Маданият гуруҳнинг ҳар бир аъзосини, шунингдек, бутун бир гуруҳни фикрлаш тарзига таъсир қилиб, уларнинг хатти-ҳаракатларини белгилаб беради. Мисол учун маданиятнинг бу каби таъсири алоҳида кичикроқ гуруҳ, дейлик, корпорация мисолида ўрганилганда, айнан шу кичик гуруҳгагина хос бўлган корпоратив руҳнинг шаклланиш жараёнини кузатиш мумкин.

Маданият, шунингдек, катта гуруҳларнинг, жумладан, миллатнинг ҳам ўзига хослигини (идентиклигини), унинг эътиқоди, ижтимоий анъаналар ва ҳ.к.ларини ўз ичига олган қадриятлар тизимини белгилайди, таъсир қилади ва натижада индивидларда афзаллик паттернларини (паттерн – ечим схемаси; такрорийликда келиб турадиган масаланинг одатий ечими) шакллантиради. Бу эса ўз навбатида уларнинг иқтисодий хатти-ҳаракатларида ҳам намоён бўлади.

Умуман олганда, маданий омиллар билан бир қаторда, диний омилларнинг ҳам турли мамлакатлар иқтисодий кўрсаткичларига ижобий таъсири хусусида маълум бир қарашлар мавжуд [5]. Масалан, аҳолисини деярли 75 фоизи эътиқод қиладиган ҳиндуизмнинг Ҳиндистон учун ривожланиш омилига айлангани, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Японияда, сўнгги йилларда Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг ва Сингапурда содир бўлган иқтисодий юксалишда конфуцийликнинг ижобий ўрнига доир мутахассисларнинг тадқиқотлари эълон қилинган [6; 7.] Уларга асосан, иқтисоднинг юксалишда диний омиллардан – гуруҳ фаровонлиги учун қайғуриш ва ўзаро ҳурмат, муваффақиятга йўналтирилган меҳнат этикаси, оиланинг муҳим ўрин тутиши, таълим олишнинг заруриятига ишонч, иерархия ва ҳокимиятга нисбатан ҳурмат ҳисси ва бошқалар муҳим аҳамиятга эга. Алоҳида Япония мисолида қўрилганда эса, конфуцийликнинг ижобий таъсири – “мамлакатнинг ижтимоий ва корпоратив институтларининг шаклланиши ва уларнинг хатти-ҳаракатлари – дин, оилага муносабат, маданий гомоген жамиятнинг ичидаги кооперация модели ва ҳақозолар каби омиллар билан белгиланади. Шундай экан, япон жамиятининг маданий асослари япон иқтисодий ҳаётининг барча аспектига таъсир қилиши каби хулоса асослидир”. [8.] Дарҳақиқат, америкалик сиёсатшунос олим Ф.Фукуяманинг “маданият, аслида иқтисодиёт учун гўё она вужуди каби” деган ўхшатиши ҳам айна ҳақиқатдир.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, иқтисодий ва сиёсий омиллар инсоннинг турмуш тарзини, унинг даражасини белгилайди. Лекин бу жамият ўз келажагини идрок этишини шакллантирадиган ва уни қуриш воситаларини, шу жумладан иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқ-атвор моделини айнан маданий омиллар белгилаб беради. Шу жиҳатдан олганда, маданиятнинг ривожланиш стратегиясини аҳамияти иқтисодий ва сиёсий ривожланиш стратегиялардан асло кам эмас.

Аввало, фақат юқори даражадаги ижодий ва маданий салоҳиятга эга бўлган жамиятгина ўзини ахлоқий жиҳатдан ҳимоя қила олади, замонавий дунёда мавжуд бўлган турли таҳдид ва хавф-хатарларга қарши тура олади.

Шундай қилиб, маданият давлатнинг энг муҳим стратегик манбаи сифатида алоҳида эътиборга лойиқ соҳадир. Маданий бойликларнинг кенг омма учун очиклиги замонавий жамият ҳаётининг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб хизмат қилади. Жамиятни маданий ҳаётда иштирок этишга ундаб, давлат ўз фуқароларининг маданий савиясини кўтарибгина қолмайди, балки, умуман олганда, жамиятда инсонийлик салоҳиятини оширишга ҳам эътибор қаратади. [9.]

Олимларнинг таъкидлашича, ўз олдида жамиятни ташкилий жиҳатдан ривожлантириш, яъни аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, жамият тараққиётининг барча кўрсаткичларини ошириш ва бошқариш вазифасини қўйган давлат ўзининг ички тараққиёт кўрсаткичларига кўра маданиятни ривожлантиришни қатъий рағбатлантириши керак. Давлат маданият ривожланишининг барча, яъни, маданий

кадриятларни ишлаб чиқариш, уларни сақлаш, тарқатиш ва истеъмол қилиш каби босқичларида уни тартибга солишга қодир. Агар маданият бундай бошқарувдан маҳрум қилинган бўлса, у, яъни маданият, нисбатан ёпиқ тизим сифатида ривожлана бошлайди, авторқияга, яъни айнаш ва йўқ бўлиш, парчаланиш йўлига ўтади. Бу барча ёпиқ ёки нисбатан ёпиқ тизимларнинг ўзига хос хусусиятидир [10].

Маданият ва иқтисодиёт ўртасидаги алоқаларнинг бошқа аспектига ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Шиддат билан кечаётган глобализация жараёни яқин ўтмишдаги пандемия оқибатида бир муддатга чекиниб, секинлашган бўлса-да, ҳозирги кунда яна қайтадан инсон ҳаётининг янги ва янги соҳаларини босим тарзида забт этишда давом этмоқда. Бунинг натижасида аксарият ҳолларда ҳаётини тажрибалари кескин фарқланиб, турлича кадриятлар тизими ва таълим анъаналарида тарбияланиб вояга етган, турли маданиятларга мансуб инсонларнинг дейлик, битта қўшма корхонада биргаликда фаолият кўрсатиши ҳаётини ҳақиқатга айланди. Иш юзасидан ҳамкор ташкилотлар халқаро алоқаларини йўлга қўйиб, халқаро лойиҳаларда биргаликда иштирок этишлари тақозо этилмоқда. Тажриба кўрсатишича, мавжуд шароитда, ёнма-ён меҳнат қилаётган ходимлар ўртасидаги маданий фарқлар халқаро бизнесга, халқаро ҳамкорлик самарадорлигига, шунингдек, жамоадаги ҳукмрон умумий иш муҳитига жиддий таъсир кўрсатади.

Шуни ёдда тутиш керакки, инсон фақат ўз маданиятининг бошқаларникидан нимаси билан фарқланишини англай бошлагандагина, маълумот алмашиш, ўрганиш ва охир-оқибат бошқа маданиятларни ҳамда ўз маданиятини тушуниш имкониятига эга бўлади. Аниқроғи, инсон маданиятлараро мулоқотга киришиб, бегона ва ўз маданиятининг маданий хусусиятларини чуқурроқ англай бошлайди.

Дарҳақиқат, XXI асрда инсон қаерда яшаётгани ва нима билан шуғулланишидан қатъи назар, у, глобал тармокнинг бир қисмига айланди. Энди ўзи яшаётган маконда муваффақиятли фаолият олиб бориши учун атрофидаги инсонларнинг ва ҳамкорларининг “маданий код”ларини тушуниши ва ўзининг хатти-ҳаракатларини уларга мувофиқлаштириши лозим. Акс ҳолда мулоқот давомида осонгина турли тушунмовчиликлар ва мураккабликлар келиб чиқиши табиий. Демак, мулоқот реал ёки виртуал, жисмоний ёки электрон шаклда амалга оширилишидан қатъий назар, унинг муваффақияти турли маданий ҳақиқатларни тушунишига, англай олишига боғлиқ.

#### 4. Хулосалар:

Узоқ вақт давомида, маданият соҳасини ривожлантиришга иқтисодиётга ортиқча юк сифатида муносабатда бўлиб келинди. Бу аввало маданий ва бадиий маданият соҳаларини қолдиқ тамойили асосида молиялаштирилишида намоён бўлди. Жамиятнинг маданият соҳасидаги эҳтиёжларига беписандлик эса аввало иқтисодий соҳа ривожига салбий таъсир кўрсатди, инсон капиталини ривожлантириш имкониятларини чеклади.

Дарҳақиқат, ўзига хосликни асраш ва маданий урушлар хавфи ортиб бораётган ҳозирги шароитда вақт ўтиши билан геомаданият геоиқтисодиётдан устунликка эгаллиги ҳақидаги қарашларнинг муқаррар эканлигини англаш томон ўзгаришлар ҳозирданок кузатилмоқда.

#### Иқтибослар/Сноска/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» Стратегияси тўғрисида»ги фармони. 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон. <https://lex.uz/docs/6600413>.
2. Ўша жойда.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 20.01.2021 йилдаги ЎРҚ-668-сон. Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида. <https://lex.uz/docs/5230682>
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://constitution.uz/uz/clause/index>
5. С.Горохов. Религия влияет на экономическое развитие. <https://iq.hse.ru/news/177668423.html>.

6. Просеков С.А. Конфуцианство: духовное начало и экономическое процветание <file:///C:/Users/User/Downloads/konfutsianstvo-duhovnoe-nachalo-i-ekonomicheskoe-protsvetanie.pdf>;
7. Шубаро О.В. Конфуцианство в современном Китае; [https://www.google.com/search?q=%D0%BA%D0%BE%D0%BD%D1%84%D1%83%D1%86%D0%B8%D0%B0%D0%BD%D1%81%D1%82%D0%B2%D0%BE+%D0%B8+%D1%8D%D0%BA%D0%BE%D0%BD%D0%BE%D0%BC%D0%B8%D1%87%D0%B5%D1%81%D0%BA%D0%B8%D0%B9+%D1%80%D0%BE%D1%81%D1%82&oq=&gs\\_lcrp=EgZjaHJvbWUqCQgDECMYJxjqAjIJCAAQIxgnGOoCMgkIARAjGCcY6gIyCQgCECMYJxjqAjIJCAMQIxgnGOoCMgkIBBAjGCcY6gIyCQgFECMYJxjqAjIJCAYQIxgnGOoCMgkIBx AjGCcY6gLSAQk0Mjc0ajBqMTWoAgiwAgE&sourceid=chrome&ie=UTF-8#ip=1](https://www.google.com/search?q=%D0%BA%D0%BE%D0%BD%D1%84%D1%83%D1%86%D0%B8%D0%B0%D0%BD%D1%81%D1%82%D0%B2%D0%BE+%D0%B8+%D1%8D%D0%BA%D0%BE%D0%BD%D0%BE%D0%BC%D0%B8%D1%87%D0%B5%D1%81%D0%BA%D0%B8%D0%B9+%D1%80%D0%BE%D1%81%D1%82&oq=&gs_lcrp=EgZjaHJvbWUqCQgDECMYJxjqAjIJCAAQIxgnGOoCMgkIARAjGCcY6gIyCQgCECMYJxjqAjIJCAMQIxgnGOoCMgkIBBAjGCcY6gIyCQgFECMYJxjqAjIJCAYQIxgnGOoCMgkIBx AjGCcY6gLSAQk0Mjc0ajBqMTWoAgiwAgE&sourceid=chrome&ie=UTF-8#ip=1);
8. Фукуяма Ф. Доверие: социальные добродетели и путь к процветанию. М.: АСТ; Ермак, 2004, с.270-320;
9. Мамедов Ф. Человеческий капитал: возможности культурологического подхода к анализу и оценке // Культурологический журнал. № 1 (7), 2012. [http://www.cr-journal.ru/rus/journals/111.html&j\\_id=9](http://www.cr-journal.ru/rus/journals/111.html&j_id=9).
10. Филиппова Г. Об энтропийных тенденциях современной культуры / <https://cyberleninka.ru/article/n/ob-entropiynihtendentsiyah-sovremennoe-kultury>
11. К.К.Колин. Культура и безопасность: Стратегические задачи культуры в XXI веке. <https://cyberleninka.ru/article/n/kultura-i-bezopasnost-strategicheskie-zadachi-kultury-v-xxi-veke>



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

7 ЖИЛД, 2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
ТОМ 7, НОМЕР 2

LOOK TO THE PAST  
VOLUME 7, ISSUE 2

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000